Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 79 (5670).
4 АПРЕЛЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Қизил байроқли коллективларда

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

20 АПРЕЛЬ — ленинча коммунистик шанбалик

РЕЗЕРВЛАРНИНГ ЖАНГОВАР КЎРИГИ

Тошкентликлар В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликка ишчанлик вазиятида ҳозирлик кўришяпти. Шу куни энг юқори унумдорлик билан меҳнат қилишга, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинган. 20 апрель куни шанбаликнинг аксарият қатнашчилари иқтисод қилинган хом ашё, материаллар, ёнилғи-энергетика ресурслари ҳисобидан меҳнат қилишади. Шу мақсадда шаҳарнинг барча меҳнат коллективларида мавжуд резервлар сарҳисоб этилиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиняпти. Мухбиримиз республика пойтахти Куйбишев, Октябрь ва Собир Раҳимов районларининг шанбаликка тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича штаби раисларидан «қизил шанбалик» кунига белгиланган режалар ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.

Н. И. ЕМЕЛЬЯНОВ,

Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари.

— Шаҳарнинг барча меҳнаткашлари қатори Куйбишев райони меҳнаткашлари ҳам москваликлар ва Тошкентнинг илғор корхоналари ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаб, ленинча коммунистик шанбаликка пухта тараддуд кўришяпти. 1985 йил 20 апрель кунини юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий савияда ўтказишга, шу куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга интилмоқдалар.

Апрель ойининг учинчи шанба кунига барча меҳнат коллективларида иш программалари аниқланган. Уларда ҳар бир иш жойида, ишлаб чиқариш участкасида энг юқори унумдорликка эришиш, шанбалик қатнашчиларини хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар билан пухта таъминлаш кўзда тутилган. Шахсий топшириқлар берилган, социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган.

Аксарият ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари шу кунга шахсий мажбурият қабул қилганлар. Улар смена нормасини икки баравар ошириб бажаришни мўлжаллашяпти. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-созловчиси, Ленин ордени кавалери М. Туропов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Средазкабель» бирлашмасининг цех мастери Ж. Розиқов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси машинасозлик заводининг слесари Г. Эрик, қурувчи-бригадирлар Зинчук, Содиқов, Чориев, Мирзаев ва бошқалар шулар жумласидан.

Коммунистик шанбалик куни ҳозир ҳақли равишда кексалик гаштини сураётган мингдан зиёд меҳнат ветерани дастгоҳлар ёнидан жой олади. Иш бошланиши олдидан барча коллективларда митинглар ўтказилади. Шанбаликнинг ҳар бир қатнашчисига «Меҳнатга шон-шарафлар!» деб ёзилган қизил боғичлар топширилади. Ҳар бир цех, участка, бригада коллективи, барча ишчилар чиройли безатилган наряд варақасини олади.

Умуман район бўйича шанбаликда 220 мингдан зиёд киши иштирок этади, улардан 26 мингга яқини саноат корхоналарида банд бўлади. 1 миллион 800 минг сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Райондаги 12 корхона иқтисод қилинган хом ашё билан ишлаб, 365 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди.

Ўн биринчи беш йиллик фондига 85 минг сўмга яқин маблағ ўтказилади.

О. Х. АСҚАРОВ,

Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари.

— Октябрь райони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашга аҳд қилганлар. 20 апрель куни 149 мингдан зиёд киши корхоналарда, қурилиш майдонларида ўз иш жойларини эгаллайди, ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади. 854 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 15 корхонадан 9 таси шу куни иқтисод қилинган электр энергия билан ишлайди. «Матбуот» бирлашмаси, кўн-мўйна заводи, «Средазэнергоцветмет» бирлашмаси, 4-темир-бетон буюмлари заводи ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир. Шу корхоналар кучи билан 156,1 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Иқтисод қилинган материаллар ва хом ашёдан 123 минг сўмлик турли халқ истеъмоли товарлари (устки трикотаж, спорт, чармгалантерея ва тикувчилик буюмлари, халқ бадиий ҳунармандчилиги маҳсулотлари) ишлаб чиқарилади.

Шу куни 232 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Қурилиш индустрияси корхоналари иқтисод қилинган материаллар ва электр энергияси ҳисобидан 50 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

«Таштрансспецстрой» трести коллективи фақат иқтисод қилинган материаллардан 15 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради. Трестнинг 37-қурилиш бошқармаси эса шу куни иқтисод қилинган хом ашё ҳисобига ишлайди.

Хусусиятлари ва территориясининг катталиги ҳисобга олиниб, район 19 микроучастка, 87 объектга тақсимланган. Ана шу участка ва объектларнинг ҳар бирига алоҳида ташкилот, корхона, министрлик, идора, район партия комитети, ижроия комитети, ободонлаштириш бошқармасининг масъул ходимлари бириктирилган. Райондаги мавжуд 55 маҳалла комитети ўз территорияларида ободонлаштириш ишларини олиб боради.

Шанбалик куни 118 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Шанбалик бошланиши олдидан барча коллективларда митинглар бўлиб ўтади. Уларда ишлаб чиқариш илғорлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари сўзга чиқадилар. Шанбаликнинг бориши «Чақмоқ» деворий газеталари, радио орқали кенг ёритиб борилади. Шанбалик тугаганидан сўнг шу куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришган илғорларни рағбатлантириш мақсадида йиғилишлар бўлиб ўтади.

Меҳнат байрамида ишлаб топилган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Ш. М. ХОЖИМУРОТОВ,

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари.

— Дастлабки маълумотларга қараганда коммунистик шанбалик куни Собир Раҳимов районининг 132 мингдан зиёд меҳнаткаши ишга чиқади. Район саноати 1 миллион 190 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 404 минг сўмлик халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаради.

Шанбаликда 9-шина ремонти заводи, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, подшипниклар ремонти ва экскаваторлар ремонти тажриба-механика заводларининг коллективлари иқтисод қилинган ресурслар ва электр энергияси ҳисобидан ишлайди.

«Геологоразведка» заводининг токари Н. Плотников, чинни заводининг ишчиси Х. Холтожиев, «Тошкент» мебель бирлашмасининг дурадгори И. Қудратов, «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг копировкачиси Н. Михальчук каби ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, 10-авторемонт заводининг С. Абдураҳимов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси шу куни 1,5—2 смена нормасини бажариш мажбуриятини олдилар.

Район қурилиш ташкилотлари Тансиқбоев, Қорақамиш массивларидаги, «Марказ — 17» ва «Марказ — 18» кварталларидаги фойдаланишга топшириладиган турар жой объектларида, соғлиқни сақлаш ва олий таълим объектларида меҳнат қилиб 190,3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар.

Район транспортчилари 14,2 минг тонна халқ хўжалиги юкларини манзилига элтиб қўйишади.

20 апрель кунига марказий кўчаларни, майдонларни, райондаги ҳовлиларни ободонлаштириш билан боғлиқ кенг кўламдаги ишлар белгиланган. Ана шу ишлар билан 100 мингга яқин киши шуғулланади.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, шанбаликка тайёргарлик жуда яхши кетяпти, деб бўлмайди. Ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар ҳам бор. Район штабининг мажлисларида ва ўтказилган текширувларда 3 ва 4-йирик панелли уйсозлик заводлари, кенг истеъмол товарлари фабрикаси, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ўқув ишлаб чиқариш корхонасида, қатор қурилиш бошқармаларида таъсирчан кўргазмали агитация воситаларининг йўқлиги қайд этиб ўтилди.

Амалга оширилган ишларга дастлабки якун ясаб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик районда юксак савияда ўтади. Беш йиллик фондига 87 минг сўм ўтказиш мўлжалланмоқда.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭВАЗИГА

Ўтган йил якунларига кўра «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди. Фақатгина ўтган йили корхона коллективи пландан ташқари 167 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар доимо юқори сифатли бўлаяпти. Эришилган муваффақиятларга коллективнинг барча ишчилари қўшган ҳисса салмоқлидир. М. Умархўжаев раҳбарлик қилаётган бригада коллективи бу ерда ташкил этилган мусобақада байроқдор. Коллектив кунлик смена нормасини мунтазам 20 — 30 процентга ошириб бажармоқда. Собир Раҳимов район Советининг депутати меҳнат ветерани А. Ф. Карпов ва бошқалар фидокорона меҳнат қилишмоқда.

«Ташкентмрамор» коллективи эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун кун сайин меҳнат мусобақасини авж олдиришяпти. Ҳозир корхонада Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда КПССнинг XXVII съезди шарафига социалистик мусобақа кун сайин қиздирилмоқда.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи М. Умархўжаев; мана шу улкан мармарлардан кўзни қувонтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади; меҳнат ветерани А. Ф. Карпов.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1. **Иноғомова** Дилором Акбаровна — хизматчига, Собир Раҳимов райони.
2. Султонова Умриниса — ишчига, Куйбишев райони.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари.
Д. МЕНТЕШАШВИЛИ.

27 март, 1985 йил.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Сергели райони корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасалари меҳнатчилари, маҳаллалар аҳолиси 20 апрелда бўладиган коммунистик шанбаликка қизғин ҳозирлик кўрдилар. Бутуниттифоқ меҳнат байрамида 60 мингга яқин кишининг актив иштирок этиши кутилмоқда. Шу жумладан 20 мингга яқин киши ўзининг иш жойида меҳнат қилади. 9100 киши саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаради, 3500 киши қурилиш майдонларида бунёдкорлик ишларини олиб боради. 7200 киши транспортда хизмат қилади.

Саноат корхоналари 780 минг сўмлик, шу жумладан 350 минг сўмлик халқ истеъмоли молларни ишлаб чиқаради. Беш йиллик фондига эса 7700 сўм пул ўтказилади. 53 тонна металлом давлатга топширилади. Қурилишда 135 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилади.

Районнинг «Вторчермет», граждан авиацияси ремонти, ошхона ва бошқа мебеллар, қуёшдан ҳимоя воситалари, «Октябрь 50 йиллиги» тикув корхоналарининг коллективлари шанбаликда юқори меҳнат кўрсаткичига эришиш ниятидалар.

●

Чилонзордаги 2-пойафзал фабрикасида пойафзалларни аъло сифатли тайёрловчи поток усули ташкил этилди. Унда бир сменада хотин-қизларнинг 500 жуфт пойафзали ишлаб чиқарила бошланди.

●

Республика кино уйида Ўзбекистон ССР кинематография давлат комитети, Ўзбекистон кинематографчилари союзи ва «Ўзбекфильм» киностудияси ҳамкорликда ўтган йили суратга олинган фильмлар бўйича ижодий конференция ўтказмоқда. Унинг қатнашчилари бадиий фильмларни, «Наштар» сатирик журнали сонларини, мультфильмларни кўрмоқдалар. Кўрикдан кейин фильмлар муҳокамаси ўтказилади.

●

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигида мутахассислар куни ўтказилди. Унинг қатнашчилари — шаҳар алоқа корхоналари мутахассислари бўлиб, улар республика пойтахтида ишга тушириладиган янги телефон станциялари ва мавжуд станцияларнинг қуввати оширилиш режалари билан танишдилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 19 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 10—12, эртага кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

Махсус «Тошкент оқшоми» учун

Анатолий КАРПОВ:

«ШАХМАТСИЗ ЙИГИРМА КУН»

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентга шахмат бўйича уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов келди.

Бугун биз Анатолий Карповнинг «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари учун махсус берган интервьюсини эълон қиляпмиз.

...Шивалаб ёғаётган ёмғир дераза ойналарига урилар, ёмғирнинг бир маромда сокин давом этаётган «мусиқаси» ҳали-бери тўхтайдиганга ўхшамасди. Шу сабабли Анатолий Карпов яшаётган кенггина хонада киши ўзини худди уйидагидек ҳис этарди. Бизнинг суҳбатимиз ҳам кўчада шивалаб ёғаётган ёмғирдек секин ва бир маромда давом этарди.

— Об-ҳаво худди Москвадагидек-а, — деди Анатолий Карпов. — Гўё у ердан ҳеч қаёққа учиб кетмагандекман.

— Об-ҳаво тезда юришиб кетади. Сиз, Анатолий Евгеньевич, ҳали кўп марта Тошкентимизнинг ложувард осмонини кўрасиз. Ахир Сиз шаҳримизда ярим ойдан кўпроқ вақт мобайнида бўласизку. Бу вақтни нимага сарфлайсиз!

— Қизғин машқлар билан шуғулланаман. Тошкентга келишимнинг асосий мақсадларидан бири — Гарри Каспаров билан бўладиган янги матчга тайёргарлик кўришдир. Мен ҳозирнинг ўзида бассейнда, сўнг эса «Динамо» стадионининг шаҳар ташқарисидаги кортида бўлишга улгурдим. Кортлар, уларнинг қопламаси, умуман бутун теннис комплекси менда жуда яхши таассурот қолдирди.

— Демак шахматдан ташқари теннис ва сузиш билан ҳам машғул бўлар экансиз-да!

— Ундай эмас. Аниқроқ қилиб айтсак, шахмат ўрнига жисмоний машқлар билан шуғулланаман. Чунки матчга тайёргарлик даврининг бу босқичида асосий эътиборим жисмоний тайёргарликка қаратилган. Шу сабабли, афсуски, бу гал шахмат мухлисларига сеанс бера олмайман. Ваҳоланки, мен бундай сеансларни жуда юқори баҳолайман.

— Шахматчи жисмоний тайёргарлик билан доимо шуғулланмаса умуман бўлмайди. Жаҳон чемпиони унвони учун ўтказиладиган кескин матчда бусиз мутлақо илож йўқ. Нима учун Сиз фақат спортнинг теннис ва сузиш турларини танлагансиз!

— Фақат уларнигина эмас. Мен енгил атлетика билан ҳам, спортнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланаман. Бироқ теннис ва сузиш спортда баркамолликка эришиш учун ажойиб имкониятлар беради. Спортнинг бу турлари билан кўпдан бери — баъзан жуда қизиқиб, баъзан камроқ — лекин ҳамиша шуғулланаман.

— Анатолий Евгеньевич, шахмат мавзусига қайтсак...

— Аммо «Ўшандан сўнг Сиз ўзингизни қандай ҳис этдингиз?» ёки «Қайси пайт сиз учун энг қийин бўлганди?» деган сийқа саволларга ўрин бўлмаслигига келишиб олсак. Буни мен журналистдан журналист сифатида илтимос қиламан.

— У ҳолда, келинг, аввал сизнинг журналистлик ва жамоат фаолиятингиз тўғрисида суҳбатлашайлик. Шахмат масалаларини эса кейинроққа қолдирсак, Яхшиси улар суҳбатимиз давомида пайдо бўлгани маъқул.

— Келишдик. Лекин барибир «юриш» сиздан. Сизнинг журналист сифатидаги «юриш»ингиз...

— У шахматдаги е2—е4 юришдек оддийдир. Сиз «64-шахматное обозрение» журналининг редактори сифатида ўз вазифангизни нимада деб биласиз!

— Энг аввало шахматни иложи борича кенгроқ пропаганда қилишда. Уни фақат ўйин сифатидагина эмас, жамият олға қараб боришига кўмаклашувчи восита, ижтимоий ва социал ҳаётнинг воқеаси сифатида пропаганда қилишда, деб биламан.

— Шу муносабат билан мен 1978 йилда, Сиз Багиода жаҳон чемпиони унвонингизни Корчной билан бўлган матчда ҳимоя қилаётган пайтингизда Филиппин газеталаридан бирининг ёзганларини ёдга олдим. Ўша пайтда бу газета шундай деб ёзган эди: «А. Карпов ўзи вакил бўлган социал системани, унинг рақиби обрўсизлантиришга уринаётган социал системани ўзига хос усулда ҳимоя қилмоқда».

— Бу шахмат — оддий спорт эмаслигини, спорт эса — оддийгина мусобақалашиш эмаслигини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

— Сиз Совет тинчлик фондининг раиси сифатида тинчлик ишига, социал тараққиётга катта ҳисса қўшмоқдасиз. Сизнинг Тошкентга келишингиз ана шу жамоат ишингиз билан ҳам боғлиқми!

— Ҳа, бевосита боғлиқдир. Бир неча кундан сўнг пойтахтингизда Совет тинчлик фонди республика комитетлари раҳбарларининг кенгаши очилади. Унда биз КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми қарорлари асосида ўз фаолиятимизнинг бундан кейинги программасини белгилаймиз, ишимизни активлаштириш тадбирларини кўриб чиқамиз.

— Анатолий Евгеньевич, бу йил Тошкентнинг «Оқшом» газеталари республика Ёзувчилар союзи область ташкилоти билан ҳамкорликда бадиий асарлар қалам ҳақини тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар. Ҳозиргача шеърлар, ҳикояларнинг иккита подборкаси эълон қилинди. Уларнинг қалам ҳақи тинчлик фондига ўтказилди.

— Совет тинчлик фондининг раиси сифатида бу ватанпарварлик ташаббусингизни чин қалбдан табриклайман. Бу жуда катта маънавий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман. Ҳар бир мамлакатда, ҳар бир республикада, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдаги тинчлик тарафдорларининг активлиги нақадар кучли бўлса, янги уруш оловини ёқишга уринаётган кучларга шунчалик қийин бўлади. Тинчлик ҳаракати совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллиги нишонланаётган ушбу йилда алоҳида мазмун касб этади. Тошкентнинг «Оқшом» газеталари материаллари тўғрисида гап очилган экан, Олмаота ва Тошкент шахмат ихлосмандларининг «Дўстлик» матчидан мамнуният билан хабар топганлигимни айтмоқчиман. Тошкентликларни биринчи ўйинни ютганликлари билан табриклайман. Бу ўйин, менинг фикримча, анча қизиқарли ва мураккаб ўтибди.

— Мана, суҳбатимиз ҳам шахмат мавзусига бориб тақалди. Ростини айтганда, такрорланмаслигининг, Сизга ҳали берилмаган саволни бермасликнинг иложи йўқ. Юртимизда ота-оналарга, уларнинг хотирасига алоҳида меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш удуми бор. Илтимос, ота-онларингиз, шахмат тақдирингизда уларнинг тутган ўрни тўғрисида гапириб берсангиз. Ана шу менинг «шахмат» саволим бўла қолсин.

— Бундай саволингиз учун самимий ташаккуримни билдираман. Унга зўр мамнуният билан жавоб қайтараман. Савол «шахмат» саволи экан, гапни дарҳол шахматдан бошлай қоламан. Отам илк бор мени шахмат тахтаси ёнига ўтқазганида тўрт яшар эдим. Ўша пайтдан бошлаб шахмат бир умр ҳаётимдан ўрин олди. Шундан кейинроқ ота-оналарим мени шахмат тўгарагига олиб келишди. Бўйим катта ёшдаги рақибларимга бироз бўлсада тенглашиши учун стулга ёстиқча қўйишарди. Онамда мен болалик пайтимда шахмат тахтаси олдида суратга туширилган фотография сақланади. Етти ёшимда мен учинчи, саккиз ёшимда иккинчи, тўққиз ёшимда биринчи разрядли бўлдим. Ўн беш ёшда спорт мастери нормасини бажардим. Шахмат санъатида муайян чўққиларни эгаллаган бўлсамда илгаригидек отам, Евгений Степанович Карпов билан шахмат тахтаси устида баҳслашишни ёқтирардим. Ўша пайтда отам Уралдаги заводлардан бирида бош инженер бўлиб ишларди. Отамнинг аниқ мақсад сари интилиши, [illegible] ватлашга ва талабчанлиги, бўлғанидга ҳаётимни шахмат билан бир умр боғлашим муҳим роль ўйнади. Спорт, бу энг аввало, сабот билан қилинадиган ҳар бир кунлик меҳнатдир. Отам менга такрор-такрор «Ҳаётда энг асосийси — меҳнатдир. Дам олиш эса муваққат ҳолат бўлиб, бир меҳнатга тайёргарлик кўришдир», дерди. У менга ўз ҳаётимни ҳамда спортдаги [illegible] ҳаётимни [illegible]. Улар бошқа ота-оналардек ўз фарзандининг маънавий тарбияси тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар, албатта. Адабиёт, театр, тасвирий санъатга қизиқиш менга улардан мерос бўлиб қолган.

— Хоббингиз-чи?

— Сиз филателия билан қизиқишимни назарда тутяпсизми? Йўқ, бу билан мен ўзим кейинчалик қизиқиб қолдим. Турли мамлакатларга сафарларим катта ва анчагина қизиқарли коллекция тўплашимга имкон берди. Маркалар бу — ҳам хоббим, ҳам дам олиш, ҳам машғулотимни ўзгартириш зарурати.

— Суҳбатимиз охирида, Анатолий Евгеньевич, «Тошкент оқшоми» газетхонларига тилакларингизни билдирсангиз.

Анатолий Карпов қоғозга шундай деб ёзди:



С наилучшими пожеланиями читателям газет «Вечерний Ташкент» и «Тошкент Оқшоми»
А. Карпов
3.04.85 г.

«Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газетхонларига эзгу тилаклар билан
А. КАРПОВ. 3. 04. 85 й.

Жаҳон чемпиони билан мухбиримиз
Ю. КАЗАЧЕНКО
суҳбатлашди.

Т. Каримов фотоси.

Республикамиз пойтахтининг қиёфаси кун сайин кўркамлашиб бормоқда. Ҳар йили кўплаб турар жой бинолари, янги аҳоли яшайдиган массивлар бунёд этиляпти. Ўнлаб маданий-маиший объектлар ишга туширилаётир. Шаҳримиз кун сайин ҳар томонлама гўзаллашиб, кўркамлашиб бормоқда.

СУРАТДА: шаҳарнинг Юнусобод массивидаги янги бунёд этилаётган кўп қаватли турар жой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ: СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

4. ҚОИДАБУЗАРЛАР ВА ХОМИЙЛАР

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ва шаҳар ГАИсининг қўшма рейди

Баҳор Тошкентга қуёшнинг илиқ нурлари билан уфуриб кириб келди. Хиёбонлардаги ниҳоллар ва дов-дарахтлар узоқ чўзилган қишки «уйқу»дан уйғоняпти, барг ёзай деб турибди. Табиат жонланяпти. Автоҳаваскорлар ҳам жонланишяпти. Кўчаларда автотранспорт оқими кўпайди, машиналар эртадан то кечгача тинимсиз ўтиб турибди.

ГАИ автоинспекторларининг ҳам ишлари кўпайди. Чунки, йўлларда автомобиллар сони ортиши билан авария вазияти келиб чиқиши, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши ва йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиш эҳтимоли ошади. Амалда шундай бўляптими? Ўтказилган рейд буни тасдиқлади.

Ушбу рейднинг яна бир ўзига хослиги бор. Уни ўтказишдан мақсад— рулда маст ҳолда бўлган ҳайдовчиларни аниқлаш эди.

Хуллас, баҳор қуёши одатда кишига тетиклик бахш этади. Лекин негадир айрим ҳайдовчилар айшу-роҳат қилишга, бунинг устига албатта спиртли ичимлик ёрдамида сархуш бўлиб олишга мойилликларини кўрсатишяпти. Давлат автоинспекцияси ходимлари томонидан тузилган протоколларга мурожаат этамиз.

Месрон Арзуманянц кўклам қуёши остида лоҳас бўлди. Кейин бирдан машина бошқаргиси келиб қолди. Шундай қилди ҳам. Унинг «Е 3113 ТН» давлат номерли «Жигули»си Олой бозори яқинидаги Широкая кўчаси бўйлаб борарди. Ширакайф Арзуманянцга Широкая жуда ҳам кенг кўча бўлиб кўринди ва таъқиқловчи белги бўлишига қарамай олдиндаги машинани қувиб ўта бошлади. Натижада тўқнашув содир бўлди.

ГАИ инспекторларини икки факт ажаблантирди: яъни, Арзуманянц маст эди ва умуман ҳайдовчилик гувоҳномасига кўра, енгил автомобилни бошқариш ҳуқуқини берувчи категорияга эга эмас эди. Яна бир нарса рейд қатнашчиларини ажаблантирди. Месрон Николаевич «Ташгортрансэкспедиция»да ҳаракат хавфсизлиги бўйича катта инженер бўлиб (!) ишлайди. Арзуманянц хизмат бурчига кўра, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва линия интизомини, шу жумладан, улар линияга чиқиш олдидан қандай аҳволда эканликларини назорат этиши керак. Шундай экан бошлиқ ўз қўл остидагиларига қандай ибрат кўрсатаётгани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми киши шахсини бебурд қилувчи, унинг ишчанлик сифатларини йўққа чиқарувчи ичкиликбозликни аёвсизлик билан йўқотилиши лозим бўлган салбий ҳодисалардан бири деб атади. Арзуманянцнинг қилмишидан кўриниб турибдики, у ҳайдовчи сифатидагина эмас, балки раҳбар сифатида ҳам хушёрликни йўқотди.

27-ҳунар-техника билим юрти директори **Рашид Мансурович Умаров** ҳам бу ҳақда ўйлаб ўтирмади. У трактор заводи олдида ГАИ пости ёнидан «В 3105 ТН» давлат номерли «ВАЗ-2106» маркали ўз автомобилида ўтаётиб, аввалига автоинспекторнинг талабига бўйсунмади, кейин эса ўзини 140-ҳунар-техника билим юртининг директори деб таништирди. Ҳақиқатни аниқлаш рейд қатнашчиларига қийин бўлмади. Аксинча содир этилган қоидабузарликдан кейин Умаров ўз қўл остидагилари ва ўқувчилари юзига қараши қийин бўлса керак?

Вячеслав Тимофеевич Власов — «Жигули» эгаси (давлат номери «96—71 ТНН») —аввалига қочмоқчи бўлди, лекин кейин ГАИ инспекторлари билан очиқчасига гаплашди.

— Кеча 150 грамм вино ичган эдим, —деди у ва ўзини «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси деб таништирди.

Агар В. Власовнинг биринчи иқрорига ишониш мумкин бўлса, иккинчиси — мансаби ёлғон экан. Рейд қатнашчилари Власов ҳақиқатда ким бўлиб ишлашини текширишди. У чиндан ҳам касаба союз комитети раиси, лекин «Узбекхлопкомаш»ники эмас, балки шу бирлашма составига кирувчи пахтачилик бўйича давлат-махсус конструкторлик бюросиники.

Петр Андреевич Лавров тескари йўл тутди. Давлат номери «Е 29-28 ТН» бўлган «Жигули» ҳайдовчиси ўзини ГАИ ходимларига Ҳамза район ижроия комитети раисининг ёрдамчиси деб таништирди. Райижроком қабулхонасига қўнғироқ қилиб сўралганида айтишдики, Петр Андреевич раиснинг ёрдамчиси эмас, раиснинг ўринбосари бўлиб ишлайди ва айни пайтда қурилиш бўйича катта инженер ҳисобланади.

Вино-ароқ «оғу»си айрим автоҳаваскорларга ўзгача таъсир кўрсатади: улар амалларини юқорироқ қилиб кўрсатишга уринишади. Бундайлар қаторига ўзини комбинат цех бошлиғи деб таништирган «Тошкентвино» комбинати вино қуюв цехининг катта мастери **Зайнутдин Расуловни** («ВАЗ—21063», давлат номери «Е 9375 ТН»), миллий чолғу асбоблари экспериментал фабрикасининг цех бошлиғи деб таништирган, аслида кенг истеъмол буюмлари цехи мастери **Мансур Юсуповни** («ВАЗ — 2103», давлат номери «Д 3577 ТН»), қўшиш мумкин. Шуниси ҳам борки, редакциядан фабрикага қўнғироқ қилиб Юсуповнинг ҳақиқий мансаби аниқланганида, у ердагилар дарров савол беришди: «У яна бир нима қилиб қўйдими?»

Давлат номери «53-27 ТНЦ» бўлган «Москвич —412» эгаси **Валерий Николаевич Булкин** — «Госкомсельхозтехника»да бўлим бошлиғи —ўз ташкилотидаги «махфий» шахс. Кадрлар бўлимида ўз ходимлари ҳақида лоақал қисқача характеристика беришни рад этишди: унинг хизмат телефони номерини айтиш билан чекланишди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармасининг маст ҳолда бўлган ҳайдовчилар ушланган жойларда тузилган протоколларида «Ташсельмаш» заводининг 2-цехи бошлиғи **Г. Е. Кесельман** («ВАЗ 2105», номери «9714 ТНБ»), «Ташхимчистка» бош механиги **И. А. Шоалимов** («М—412», номери 9377 ТНГ»), «Госкомводстрой»нинг катта ревизори **А. Ниғмонов** («ВАЗ — 2101», номери «91-97 ТНФ»), Сув хўжалиги министрлигининг инженер-механиги **А. Алимов** («М — 412», номери «Г 8995 ТН»), Тошкент автомобиль-йўл институти катта инженери **С. Ҳакимов** («ВАЗ — 2106», номери 75-00 ТНУ»), Тошкент шаҳар Киров район ҳарбий комиссарининг ўринбосари, подполковник **Х. К. Кўпайсинов**нинг («ВАЗ — 2106», номери «Б-0105НА»), фамилиялари бор.

Уларнинг ҳаммаси транспортни бошқариш ҳуқуқидан турли муддатга маҳрум этилдилар. Юқорида келтирилган барча ҳолларда биз фақат шахсий автомобиль эгалари бўлмиш автоҳаваскорларнинг номларини келтирдик. Лекин ўтказилган рейдда давлат автомашиналари рулини маст ҳолда бошқариб йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган бошқа қоидабузарлар ҳам аниқланди.

Рулдаги маст киши— жиноятчи демакдир. Худди шу боисдан маст ҳолда трамвай ёки троллейбус кабинасига чиқиб ўтиришга журъат этиш учун қанчалик масъулиятсиз бўлмоқ кераклиги равшан?

Қўйлиқдаги охирги бекатда 5-трамвай маршрутига хизмат кўрсатувчи «1240» гараж номерли вагон ҳайдовчиси **Равшан Юнусов** ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилди. Пионерская кўчасида «2226» гараж номерли троллейбус тўхтатилди. Уни 2-депонинг маст ҳайдовчиси **Рустам Юсупов** бошқараётганди. ГАИ ходимлари Ҳамза кўчасида «1418» гараж номерли троллейбусни тўхтатишди. Унинг кабинасида «Красновосточная» депосининг ширакайф ҳайдовчиси **Любовь Крейникова** бор эди. Клара Цеткин кўчасида биринчи депонинг 3-маршрутдаги троллейбуси ушланди, уни ҳайдовчи **Михаил Баландин** маст ҳолда бошқараётганди.

— Сиздан нега спирт ҳиди келяпти? — ундан сўрашди рейд қатнашчилари.

— Кеча оилавий юбилейни нишонлаган эдик, — хотиржамлик билан жавоб қилди Баландин.

Қўшма рейд сарлавҳасига «Қоидабузарлар ва ҳомийлар» деган сўзлар бежиз чиқарилмади. Биринчилари ҳақида ҳикоя қилдик. Энди иккинчилари ҳақида эшитинг.

— Кўпинча шундай бўлади, — дея ҳикоя қилади Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармаси бошлиғи Михаил Андреевич Ваулин. — Эрталаб ҳайдовчи маст ҳолда йўлга чиққани учун транспортни бошқаришдан четлаштирилади, тушга яқин эса бошқармага илтимоснома билан келишади. Яна қанақанги денг! Гербли печать билан тасдиқланган, масъулиятли раҳбарларнинг имзоси қўйилган бўлади. Илтимоснома ва характеристикага қарасангиз, олдингизда йўл ҳаракати қоидабузари эмас, балки ишлаб чиқариш илғори, актив жамоатчи, тенги йўқ мутахассис, коллективнинг энг севимли кишиси турган бўлади.

Мана айрим илтимосномалар ва характеристикалардан сатрлар.

«Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Тошкентдаги тажриба-механика заводи ҳайдовчиси **Э. Арутюнов** ишда ўзининг ижодий жиҳатлари билан танилган. Коллективда муносиб обрўга эга. Дилкаш ва меҳрибон ўрток(?!)...»

«Узкопстроймонтаж» трести автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси **А. Милкис** касб ўрганишда ёш шофёрларга кўмаклашади...»

«Союзспецэлеваторм ельстрой» трестининг механизация бошқармаси эксплуатация бўлими бошлиғи **А. Моргунов** эксплуатация бўйича барча масалаларни ўз шахсий автомобилида бажаради. Шу муносабат билан унга ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтаришингизни сўраймиз...»

«Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳайдовчиси **М. Бойдуллаев** халқ дружинаси аъзоси бўлиб, ҳар йили ташаккурномалар билан тақдирланади....»

«Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 3-автокомбинат ҳайдовчиси **М. Манахов** жамоат ҳаётида қатнашади. Қоидабузарлик ҳақидаги материалларни жамоатчилик кўриб чиқишига беришингизни сўраймиз».

«**В. Вишнев** 199-ҳунар-техника билим юрти директорининг ўринбосари ва ишчилар малакасини ошириш курсларининг раҳбари ҳисобланади. Рўйхатга олинган қоидабузарликка атайин йўл қўйилмаган».

«Металлобитремонт» бирлашмаси маиший хизмат кўрсатиш бўйича район бошлиғи **Т. Иброҳимов,** «Госкомсельхозтехника»нинг Тошкентдаги тажриба-механика заводи ҳайдовчиси **Г. Зиёвутдинов,** «Средазтрансстрой» трестининг Тошкентдаги техника мактаби шофёри **А. Банний,** ресторанлар тресті ҳайдовчиси **В. Вшивков** ва бошқалар учун илтимос қилишяпти. Ҳеч бир илтимосномада коллектив ўз ўртоғининг қилмишини қоралаётгани, таъсир чораси ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилишини —бирдан бир тўғри, зарур ва ҳаққоний деб ҳисоблаши ҳақида бир оғиз сўз ёзилмаган.

Масъулиятли лавозимларни эгаллаб турган бошқалар эса, автоҳаваскорлар назарда тутиляпти, ўйлашадики, йўл ҳаракати қоидаларида улар учун истиснолар бўлиши керак. Юқоридагилар ҳам, булар ҳам рулдаги ичкиликбозлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб ўтиришмайди. Қоидаларда, бунинг устига йўл ҳаракати қоидаларида ҳеч ким учун истиснолар бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари биздан кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласини тубдан кўриб чиқишимизни талаб этади. Ҳали барча ташкилотлар, корхоналарда бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлари ўз сўзларини айтмаётганликлари ажабланарлидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида айтилган: «Биз ютуқлар ҳақида шов-шув кўтаришга ва камчиликлар ҳақида эшитилар-эшитилмас гапиришга одатланиб қолдик» дейилган сўзлардан тегишли хулоса чиқариб олинадиган пайт етди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ҳамда шаҳар ГАИсининг коллектив мухбирлари.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЯНА— ДАВЛАТ ҲИСОБИГА»

«Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги маълум қиладики, газетада 1985 йил 12 январда босилган «Яна — давлат ҳисобига» мақоласи ва 9 февралда «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин» рубрикаси остида ёритилган мақола министрлик партия бюросининг кенгайтирилган мажлисида министр ўринбосарлари ва бошқармалар бошлиқлари иштирокида муҳокама этилди.

Хизмат лавозимидан шахсий мақсадда қўпол фойдаланиб, «16 — 10 ТНО» номерли давлат автомашинасидан нотўғри фойдаланганлиги учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўринбосари М. К. Шариповга танбеҳ берилди. М. К. Шариповнинг автотранспортдан фойдаланилгани ва ёқилғи сарфлангани учун пул компенсацияси министрлик автобазаси кассасига ўтказилгани ҳақидаги аризаси эътиборга олинди.

Министр ўринбосарлари ва бошқармаларнинг раҳбарлари хизмат автотранспортидан фойдаланиш қоидаларига оғишмай риоя этилиши ҳақида жиддий огоҳлантирилдилар».

Министр А. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

«МЎМАЙ ДАРОМАДНИНГ ҚИНҒИР ЙЎЛИ»

«Тошкент оқшоми»нинг 1985 йил 9 февраль сонида газета мухбирлари ва шаҳар ГАИсининг қўшма рейди асосида эълон қилинган «Мўмай даромаднинг қинғир йўли» сарлавҳали мақола «Главташпассавтотранс»да идорага бўйсунувчи барча автокорхоналарнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди.

Бош бошқарманинг ана шу масала бўйича ўтказилган советида ҳайдовчилари жамоат транспортидан шахсий мақсадларда фойдаланганини аниқланган автопаркларнинг раҳбарлари қаттиқ танқид остига олиндилар.

Мақола материаллари автокорхоналарда, ҳайдовчиларнинг умумий йиғилишларида муҳокама этилди. Айбдорларга нисбатан қаттиқ таъсир чоралари кўрилди.

Чунончи, 18-автобус парки бўйича чиқарилган буйруқ билан «ЛАЗ — 695» автомобилларининг ҳайдовчилари Қудратов ва Нурматов уч ой муддат билан кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилдилар. «ЛИАЗ—677» автобуси ҳайдовчиси Р. Абдуллаев бир ой муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди.

4-автопарк ҳайдовчиси Б. Тўраев ишончни йўқотганлиги учун меҳнат қонунчилигининг тегишли моддасига биноан ишдан бўшатилди. Ҳайдовчи Гулматов бир ой муддат билан ёрдамчи ишга ўтказилди, ҳайдовчи Трепесга виговор эълон қилинди.

5-автобус парки бўйича чиқарилган буйруқ билан ҳайдовчи Ғ. Эргашевга виговор эълон қилинди, у ой ва йил якунлари бўйича тегишли мукофотнинг бир қисмидан маҳрум этилади.

7-автобус парки бўйича чиқарилган буйруқ билан ҳайдовчи А. Дацун уч ой муддат билан ремонт ишларига ўтказилди.

12-автобус парки бўйича чиқарилган буйруқ билан ҳайдовчи Б. Юсупов бириктирилган автобусдан олинди ва икки ой муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди.

2519-автоколоннанинг партия бюроси ҳайдовчи В. Матвиенкони КПСС сафидан ўчириш ҳақида қарор қабул қилди. Уртоқлик суди қарори билан шу корхона ҳайдовчиси Карапетянга ўттиз сўм жарима солинди. Ҳайдовчилар О. Юсупов ва М. Йўлдошевнинг ҳар бирига эллик сўмдан жарима солинди. Ҳайдовчи Дудин уч ой муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди. 2519-автоколонна бошлиғининг эксплуатация бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Бобожоновга, автоотрядлар бошлиқлари А. Азизовга, В. А. Кашаевга ва Б. Т. Саитовга маршрутларда ҳайдовчилар иши устидан назорат қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди.

Аниқланган линия-молия интизоми бузилишларига йўл қўйганларга нисбатан кўрилган чоралар бутун коллективга маълум қилинди. Маршрут ва бригада йиғилишлари ўтказилди. Йирик автостанцияларда автокорхоналар ва Бош бошқарма масъул ходимларининг навбатчилиги ташкил этилди».

Ж. ШОРАҲМЕДОВ,
«Главташпассавтотранс» бошлиғи.

Шунингдек, 2-маршрутли таксилар автотранспорт корхонаси директори Ф. Парпихўжаевдан ҳам жавоб олинди. Унда хабар қилинишича, рейд материаллари юзасидан чоралар кўрилди. Чунончи 2-автотранспорт корхонаси бўйича чиқарилган буйруқ билан автомашинадан шахсий мақсадларда фойдаланганлиги учун Бош бошқарма ҳаракат бўлими хизматида ишлаган, рейд қатнашчилари томонидан ушланган 3-автоколонна ҳайдовчиси Ю. Бобков автомашина бошқаришдан четлаштирилди ва уч ой муддат билан хўжалик бўлимига кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди.

РЕДАКЦИЯДАН: «Мўмай даромаднинг қинғир йўли» рейд мақоласида идораларга қарашли автобусларни умумшаҳар маршрутларида пассажирлар ташишга жалб этиш муаммосига, бундай автобусларнинг «сўл» рейсларига чек қўйилишига эътибор қаратилган эди. Редакция мақолада танқид қилинган кўпгина ташкилотларнинг раҳбарларидан конкрет жавоблар олди.

Лекин ҳамма жойда ҳам газета танқидига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида белгилаб берилганидек, қаттиқ талабчанлик позициясидан туриб зарур эътибор билан муносабатда бўлишмади. Жумладан, «Мўмай даромаднинг қинғир йўли» мақоласида пассажирларни қонунсиз ташиганлиги учун Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси («10-14 ТНЛ», ҳайдовчи Пўлатов), 13-кўприк отряди («60-40 ТНА», ҳайдовчи Искандаров), Маданият министрлиги автобазаси («50-83 ТНС», ҳайдовчи Раҳимов), «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси («50-86 ТНА», ҳайдовчи Туропов)га қарашли автобуслар ушланганлиги айтилган эди.

Ҳар ҳолда юқорида айтилган ташкилотлардан редакцияга ҳанузгача ҳеч қандай жавоб келмади. Афтидан, Акмал Икромов (маданият министрлиги автобазаси), Сергели (13-кўприк отряди ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси), Чилонзор («Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси) район партия комитетларида идорага қарашли автотранспортдан фойдаланишда қўпол нуқсонлар келиб чиқишига йўл қўйган раҳбарларни зарур талабчанлик билан масъулиятга тортишмаган.

Бевосита айбдорларга нисбатан қандай чоралар кўрилди, газетанинг ҳаққоний танқидига жавоб беришни истамаган раҳбарлар қандай жазоландилар экан? Редакция ва унинг ўқувчилари ушбу саволларга жавоб кутишяпти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Социализм мамлакатларида

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

БРАТИСЛАВА. Шарқий Словакиянинг Кошица шаҳридаги металлургия комбинати социалистик меҳнат бригадалари ЧССРнинг ташқи савдодаги энг катта мижози — Совет Иттифоқи буюртмалари бажарилишини оталиққа олдилар. Улар фашизм устидан қозонилган ғалабанинг ҳамда Совет Армияси Чехословакияни озод қилганлигининг 40 йиллиги шарафига социалистик мажбурият қабул қилдилар. Мажбуриятда Совет Иттифоқига турли диаметрдаги 80 минг тонна пўлат қувур ва озуқа заводлари қуриш учун мўлжалланган беш минг тоннадан зиёд металл-конструкцияни муддатидан илгари етказиб бериш кўзда тутилган. Металлурглар бу буюмларнинг юқори сифатли бўлишига гарантия бердилар.

Социалистик меҳнат бригадаларининг кўпи «Чехословакия — Совет дўстлиги номли коллектив» фахрий номига сазовор бўлган. Бундай бригадаларнинг ватанпарварлик, интернационал ҳаракати Словакияда социалистик мусобақанинг форма ва методларини янада такомиллаштириш, саноатда, қурилишда ва транспортда меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда бу ҳаракатда меҳнатга социалистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатаётган қарийб 4 мингта коллектив иштирок этмоқда.

СИНОВДАН «АЪЛО» ДАРАЖАДА ЎТДИ

БЕРЛИН. СССР билан ГДР мутахассислари биргаликда яратган тамомила янги конструкциядаги тўқув автомат станоги синовдан «аъло» даражада ўтди. Миттвайда деган жойдаги (Карл—Маркс—Штадт) фабрикада ўрнатилган ўнта шундай агрегатлари бўлган поток линия тажриба учун синаб кўрилди. Бундай агрегатлар ўзининг ҳозирги вақтдаги мавжуд намуналаридан деярли икки баравар унумли эканлигини тасдиқлади.

Янгилик — иккала мамлакат ўртасидаги муттасил чуқурлашиб бораётган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик самарадорлигининг кўплаб далилларидан биридир. Меҳнат унумдорлигини, умуман хўжалик самарадорлигини анча оширишни таъминлайдиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш олимлар ва ишлаб чиқариш ходимларининг диққат марказида турибди. СССР билан ГДР ўртасида тузилган ва энг аввало ишлаб чиқаришда фан ва техниканинг илғор ютуқларидан фойдаланишга қаратилган 200га яқин ҳукуматлараро битим ва аҳдномалар шу мақсадга хизмат қилади. СССР билан ГДР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврда фан, техника ва ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли программаси, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорлари қардошларча ҳамжиҳатликнинг янги истиқболларини очди.

ГДР халқ хўжалиги республика ташкил этилган дастлабки кунларданоқ СССР билан қалин ҳамкорликда ривожланди. Ҳозирги вақтда бундай қардошларча ҳамжиҳатлик халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олган. Республикада барча илмий-техникавий вазифаларнинг 80 процентдан кўпроғи СССР билан биргаликда ҳал этилмоқда. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқидаги шериклари билан мустаҳкам алоқа боғламаган бирорта корхона ёки илмий муассасани учратиш қийин.

Афғонистон қиёфаси ўзгармоқда

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг танқли сиёсий арбобларидан бир группаси Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан яқинда АДР бўйлаб сафар қилди. Улар Ҳиндистоннинг «Дейли» газетаси саҳифасида ўз таассуротларини ҳикоя қилдилар.

Афғонистон тубдан ўзгариб бормоқда — мамлакатнинг ҳатто энг олис бурчакларида ҳам янги қурилишлар бўлмоқда, деб ёзишади улар. Афғон халқи ҳаётнинг турли соҳаларида туб ўзгартиришлар йўлидан комил ишонч билан одим ташламоқда, мустақил экономикани барпо этмоқда. Совет Иттифоқи АДРни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқда. СССРнинг кўмаги билан бир вақтлар Бхилаи ва Бокарода ишга туширилган металлургия заводлари Ҳиндистон экономикасининг олға томон катта қадам қўйишида муҳим омил бўлган эди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ПОЙМОЛ ЭТИЛИШИГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида БМТ инсон ҳуқуқлари комитетининг йигирма тўртинчи сессияси очилди. 18 мамлакатнинг экспертлари гражданлик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида 1976 йилда қабул қилинган халқаро битим қандай бажарилаётганини кўриб чиқишлари лозим.

Комитет аъзолари шуни уқтирдиларки, империалистларнинг агрессия ва босқинчилик сиёсати инсон ҳуқуқларининг кўплаб бузилиши зўрайишига олиб бормоқда. АҚШнинг мадади билан Исроил фаластин аҳолисини эзмоқда. Вашингтоннинг апартеид режими билан иттифоқи ЖАР ирқчиларини Африка халқларига қарши жабр-зулмни кучайтиришга рағбатлантирмоқда. Америкалик инструкторлар таълим берган контрреволюционерлар Никарагуадаги тинч аҳолини ўлдирмоқдалар.

Ўтган йиллар мобайнида битим ва унинг моддалари ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, деди БМТ Бош секретарининг инсон ҳуқуқларига оид масалалар билан шуғулланувчи ёрдамчиси Курт Херндль сессияни очиш пайтида сўзлаган нутқида. Ҳамон дунёда мавжуд бўлган империализм, янги мустамлакачилик, ирқчилик, янги фашизм инсон ҳуқуқларини доимо поймол этиб келмоқда. Тинчликка хавф солинаётган ва узлуксиз қуролланиш пойгаси давом этаётган бир пайтда, камситишнинг ҳар қандай шаклда намоён бўлиши тугатилмаган, одамлар эса меҳнат қилиш, илм олиш, медицина хизматидан ва социал таъминотдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан бемалол фойдалана олмаётган бир пайтда инсон ҳуқуқларини гарантиялаб бўлмайди, деб уқтирди польшалик эксперт Адам Зелинcки.

ДУШМАНЛАРГА ҲАРБИЙ ЁРДАМ

ВАШИНГТОН. Кейинги кунларда Қўшма Штатлар президенти Афғонистонга қарши жазавасини авж олдиришни давом эттириб, Афғонистон Демократик Республикаси шаънига иғво гапларни айтди. Шу билан бирга у Покистон территориясидан АДРга қарши эълон қилинмаган уруш олиб бораётган босмачи тўдаларни қўллаб-қувватлади.

Бироқ Америка маъмурияти гап-сўз билангина чекланиб қолмаяпти. АҚШ раҳбарлари кейинги вақтларда афғон аксилинқилобчиларига, жумладан, Покистон территорияси орқали юбориб турилган ҳарбий ёрдамни кўпайтирдилар. Яқин вақт ичида АҚШ сенатининг Афғонистонга доир группаси, деб аталмиш группанинг раҳбари Г. Хамфри Зиё Ул Ҳақ режими билан, шунингдек босмачи тўдаларнинг бошлиқлари билан Қўшма Штатларнинг ҳарбий ёрдамини кенгайтириш ҳамда АҚШдан, Саудия Арабистонидан ва бошқа баъзи мамлакатлардан келиб турган қурол-яроғларни Афғонистонга қарши ҳуружлар қилаётган исёнчиларнинг турли тўдалари ўртасида тақсимлаш масалаларини муҳокама қилиш учун Покистонга келади.

Бундан 40 йил муқаддам Англия-Америка авиацияси Дрезден шаҳридаги объектларни бомбардимон қилиб, энг гўзал архитектура объектларига жиддий зарар келтирган эди. Уруш йилларида Европадаги энг гўзал шаҳарлардан бири бўлган — Дрезден харобага айлантирилганди.

СУРАТЛАРДА: юқорида — ўтган асрда архитектор Г. Земпер лойиҳаси асосида қурилган машҳур опера театрининг харобалари; пастда — бугунги кунда немис маданиятининг йирик марказларидан бири ҳисобланган Дрезден опера театрининг биноси.

АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҒОЯЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНСИН

ЛИССАБОН. Португалияда озодлик кунининг байрам қилиниши португал халқининг тинчлик, тараққиёт ва социал адолат идеалларига содиқлигининг қудратли намойишига айланиши лозим. 25 апрелда демократик революция ғалабасининг ўн бир йиллиги муносабати билан Португалия илғор арбобларидан катта бир группаси ана шунга даъват қилди. Сиёсий доиралар, касаба союз, жамоат доираларининг 150 дан кўпроқ таниқли намояндаси мурожаатномага имзо чекди.

Бу йил, деб таъкидлашди улар, холис ниятли барча кишилар фашистлар Германияси тормор этилганлигининг 40 йиллигини кенг кўламда нишонламоқдалар. Нацизм устидан қозонилган буюк Ғалаба планета халқларига тинч ҳаёт йўлини очиб берди.

Португалиянинг тараққийпарвар арбоблари мамлакат реакцион кучларининг фашист диктатураси даврида ҳукм сурган тартибларни қайта тиклаш йўлидаги уринишларини кескин қораладилар.

Португалиядаги барча ватанпарварлар ва демократларнинг бош вазифаси — Апрель революциясининг ислоҳотларини ҳимоя қилиш ва давом эттиришдан, демократик эркинликлар ва миллий суверенитетни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, тинчликни мустаҳкамлашга куч-ғайрат сарфлашдан ибораттдир, дейилади мурожаатномада.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

Разведкачилар командири

Журналист ён дафтаридан

Декабрь ойи. Ҳаддан ташқари совуқ. Қаҳратон қиш изғирини юзни чимчилаб, ачиштирмоқда.

Вақт тунги 12. Абдусаттор сафдошлари билан взвод командиридан топшириқни бажаришга рухсат сўради. У азаматларнинг ишларига муваффақият тилади. Бўрон аралаш ёғаётган қор кўз очишга имкон бермайди. Тўғридан кўтарилган шамол қор парчаларини бетга уриб, йўлни тўсарди. Юриш мушкул. Совуққа кўниккан, қийинчиликларни енгишга одатланган жангчилар ҳеч нарсани писанд қилмай, оқ халатларга ўраниб тетик қадам босмоқдалар. Абдусаттор ўз дўстлари билан кимсасиз, ҳувиллаб ётган қишлоққа етиб борди. Жимжитлик, вайрона уйларнинг даҳшати кишининг юрагига ғул-ғула солади.

Усти ёниб кетиб тўрт деворигина қолган бир уйга яқин келишганда Абдусаттор ўз шерикларига ичкари киринглар, деб имо қилди.

— Мана шу ўрмон орқасида ёв турибди,— деб сўз бошлади Абдусаттор, ён халтасидан тамаки олиб, — бугун мени полк командири чақириб: «Душманнинг кучини, қурол-аслаҳасини ва уларнинг ниятларини билиш учун бизга «тил» керак, буни фақат сизга ишониб топшираман» деган эди. Командирларимиз бизга ўта масъулиятли ва фахрли ишни топширишди.

Ҳар ким топшириқни қандай қилиб бажаришни ўйларди. Улар ўрмон йўли билан бориб, сим тўсиқлар олдидан чиқиб қолишди. Қўлида қайчи ва омбир ушлаган Ғозиевнинг қадами яна илдамлашди. У ҳаммадан олдин бориб, сим тўсиқларни қирқиб, йўл очди. Улар энди душман инида эдилар.

Атроф жимжит. Россиянинг қаҳратон қишидан қақшаган фрицлар жонларини ҳовучлаганларича инларида писиб ётишарди. Фақат пойлоқчиларгина олдинги маррани кузатарди. Абдусаттор шериклари билан душман блиндажига яқин борди. Эшик ёпиқ эди. Ичкарида гитлерчилар чувиллашарди. Абдусатторнинг қўллари ихтиёрсиз ҳаракатга келди. Юраги ғазаб билан ура бошлади. У белидан икки граната олиб, ер тўла ичига иргитди. Фрицлар ини бузилди. Тирик қолганлар ўзларини эшикка ура бошладилар.

Абдусатторнинг мақсади ҳам шу эди. У чиқишга интилаётганларни автомати билан бирин-кетин қириб турди. Бир фашист ичкаридан қўл кўтариб чиқди. Абдусаттор уни отмади. Топшириқ бажарилди. Ўндан ортиқ газандани ер тишлатган Абдусаттор азаматлари беш гитлерчини асир олиб қайтдилар...

Июль. Офтобда бети қизариб тер босган Абдусаттор қуролдошлари ёнига келганида, улар ҳамма нарсани тайёрлаб, командирни кутаётган эдилар. У ўз кишиларини бошлаб жонажон полк учун йўл очгани кетди. Ўрмон ичидаги сўқмоқ йўлдан борар экан, қонлари тўкилган гўдаклар, дорга осилган қариялар, аёллар, етим қолган болалар, бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Ғазабига яна ғазаб қўшилди. Қасос ҳисси тезроқ олға босишга ундади. Ён томондан бирданига пулемёт тилга кирди.

У воқеани полк командирига алоқа сими орқали хабар қилди. Жангчилар пулемёт оғзини душманга қаратиб қўйдилар. Абдусаттор ўшанда нималарнидир ўйларди. Балки у ўзи униб ўсган гўзал Тошкентни, ёшлик чоғида ўқиган мактабини, йўлига интизор термулиб ўтирган меҳрибон ота-онасини, қариндош-уруғларини ўйлагандир.

Абдусаттор сесканиб кетди. Фрицлар совет жангчилари ўрнашган томонга қараб кела бошладилар.

Жанг бошланди. Бир зумда ҳамма ёқнинг тўс-тўполони чиқди. Пулемёт, автомат милтиқлардан отилган ўқлар даҳшати оламни бузди. Орадан кўп ўтмади. Абдусатторнинг жангчи қуролдошлари етиб келишди.

Жанг яна авжига чиқди. Совет гвардиячилари душман устига шердек ташландилар. Душман пистирмаси тор-мор этилди. Ҳужум йўли очилди. Эртаси куни полк командири Абдусатторни чақириб:

— Балли, қойил қилдинг! — деди-ю, унинг кўкрагига Қизил Юлдуз орденини тақиб қўйди. Бу Абдусатторга берилган иккинчи мукофот эди. Бу жангда маҳорат кўрсатган бошқа жангчиларга ҳам орден ва медаллар берилди.

Абдусаттор Йўлдошевнинг қаҳрамонликларини гапириб тугатиб бўлмайди. Мен унинг жанговар ишларидан икки лавҳани баён этдим. У рустамона жасорати, Алпомиш сингари баҳодирлиги билан қисмда танилган эди. Қизил Юлдуз, иккинчи даражали Ватан уруши ордени ва «Жасурлиги учун» медали кўкрагини безаб турарди.

Абдусаттор Йўлдошев фронтга келганида оддий аскар эди. Тез вақтда кичик командир бўлиб етишди. Уруш оловида чиниқди. Коммунистик партия сафига кирди, ўсди, камолга етди. Жанглар жараёнида разведкачи бўлди. Аввалига взвод, сўнгра эса рота командири лавозимига кўтарилди, лейтенант деган ҳарбий унвонга сазовор бўлди.

Абдусаттор Йўлдошев билан Брянск фронти қисмларининг бирида 1943 йилнинг ёзида учрашган эдим. Шундан бери 40 йилдан ортиқ вақт ўтди. У Тошкентнинг Шайхантоҳуриданман деган эди. Агар Абдусаттор ҳаёт бўлса, у билан яна бир бор учрашсам ўзимни бахтиёр деб билардим.

Л. ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Эстония граждан авиациясининг учувчиси Николай Иванович Дмитриев ёшларнинг севимли устози ҳисобланади. У мана 30 йилдан бери парвоз қилиб, мураккаб ҳаво лайнерларини синовдан ўтказди. У қарийб 20 минг соат ҳавода парвоз қилди. Унинг самарали меҳнати Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган.

СУРАТДА: самолёт командири Н. Дмитриев (чапдан — биринчи) ҳамкасблари даврасида.

ТАСС фотохроникаси.

Шаҳримиз янада кўркам, обод бўлишида жойларда уюштирилаётган умумхалқ ҳашарлари катта роль ўйнамоқда. СУРАТДА: янги дарахтзорлар бунёд этиляпти. Т. Каримов фотоси.

Апрель таърифи

Апрель ойининг номи ўзига монанд. Апрель лотинча сўз «аперире»дан келиб чиққан бўлиб, «очилиш» деган маънони англатади. Дарҳақиқат, бу ойда, барча дарахтлар куртак чиқариб, теварак-атроф ям-яшил либосга бурканади. Апрелнинг қадимги русча номи «цветень» бўлиб, бу— баҳорги гуллар очилиш мавсуми демакдир.

● Баҳор юмушлари

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Кунлар исиб, тупроқ етилиши билан томорқа боғларда баҳорги агротехника тадбирларини ўтказишга тўғри келади. Томорқада ўсадиган мева ва ток туплари йил 12 ой давомида оила аъзоларини мева, резавор мева, узум маҳсулотлари билан таъминлаб туришга мўлжаллаб экилади.

Томорқа майдонларининг катта-кичиклигига қараб бир қанча мева дарахтлари ва ток тупларини жойлаштириш мумкин. Бунда ўрик ва олма 6х6, ноқ ва гилос 6х5, олча ва шафтоли 4х3, олхўри 5х4, анор ва анжир эса 2—2, 5 метр оралиқда ўтқазилади. Ток тупларини 1—1, 5 метр баландлдаги сўриларга чиқариб юбориш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай шароитда ток тупларига шамол яхши тегиб туради. Натижада улар касалликларга кам чалинадилар.

Кўчат ўтқазаётганда уларнинг илдиз бўғини, яъни уланган жойини чуқур кўмиб юбормаслик керак. Чуқурга экилган кўчатларнинг илдиз бўғизи ер сатҳидан 5—10 сантиметр юқорида қолдирилади. Шундай экилган кўчатлар келажакда яхши ўсиб ривожланади. Бу ёш ниҳоллар ҳар ойда 2—3 мартадан мириқтириб суғорилади.

Дарахтларнинг ёши ошган сари илдиз системаси қулоч ёзиб катта майдонни эгаллайди. Шу пайтда 5—6 ёшли дарахтларни 3—4 марта сувга қондириш керак. Суғоришдан кейин асосий илдиз жойлашган 40—50 сантиметрли чуқурлик намланган бўлиши керак. Суғориш олдидан эгатларга азотли ўғитлар сепилади. Гўнгни сувга аралаштириб шарбат ҳолида бериш меваларни йириклаштиради. Дарахт таналари атрофидаги тупроқ ағдарилмай юмшатилади.

Ҳозирги вақтда ўтқазиладиган асосий мавсумий ишлардан бири дарахтларнинг шохшаббаларини буташдир. Шох-шаббалар олти-саккизта асосий шохлардан иборат бўлиши керак. Дарахтларни буташда шохлар тананинг турли томонларига бирбиридан 50 сантиметр узоқликда жойланишига эътибор бериш керак. Шундай қилинганда дарахт танасига қуёш яхши тушади. Шохлар орасидан шамол ўтиб туради. Ток туплари кузда кесилмаган бўлса унда шира ҳаракати бошлангунга қадар уларга шакл бериш керак бўлади. Ҳозирги кунда эса тупроққа кўмилган ток тупларини очиш, уларни занг ва новдалари кўтариб бағазга бир текисда тараб бойлаш керак.

Бир йиллик ҳосил новдалар бирмунча қияроқ ёки горизонтал бойланади. Ток тупларидан муттасил ҳосил олиш учун бутун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ток тупи атрофидаги тупроқни палахса-палахса қилиб ағдариб қўйиш керак. Ёз давомида 2—3 марта мириқтириб суғоришни унутмаслик керак. Шўра ва ғўра хомтоклар кечиктирилмасдан ўтказилиши керак.

Намгарчилик кўп бўлган йиллари ток тупларида оидиум (кул) ёки ун шудринг тушиб кетади. Бундан зарарланган новдаларга қора доғлар тушиб узум ғужумлари ёрилиб кетади. Бунга қарши кўк новдаларда 4—6 та барг ўсиб чиққанда, иккинчиси биринчисидан 7—10 кун кейин, учинчиси токлар гуллаб бўлгандан кейин икки ҳафта ўтгач олтингугурт кукуни билан ишлов берилади.

Узумхўр зарарлаган узум бошлари ириб оқиб кетади. Бунга қарши олтингугурт сепилган пайтда 10 литр сувга 30 грамм хлорофос аралаштириб ток тупига сепилади ёки метафос порошоги билан чанглатилади.

М. РАЗЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

● Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

ЯШИЛ ЛИБОСИ ГЎЗАЛ

Она-Ватанимизнинг кўп жойларига фасллар ичида энг гўзали, баҳорнинг иккинчи ойи апрель ташриф буюрди. Агар март ойида совуқ ва иссиқ кунлар алмашиб турган бўлса, апрелда баҳор ўз ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланади.

Юртимиз шунчалик бепоёнки, баҳорнинг келиши турли муддатларга тўғри келади. Агар ой охирларида ўлкамизнинг жанубий районларида баҳор ўз ўрнини аста-секин ёзга бўшатиб берса, шимолий районларда, айниқса қутб доирасида баҳор эндигина илк қадамларини қўяётган бўлади.

Серқуёш ўлкамизнинг улуғвор Помир, Тянь-Шань ва Олой тоғларида ҳам кўклам шамоли фақатгина апрель ойининг охирларидагина эса бошлайди. Бу ойда оламга сахий нурларини сочиб турган қуёш уфқдан анча юқори кўтарилиб, зиёсининг қуввати март ойидагидан ошиб қолади.

Ўрта Осиёнинг жанубий районлари апрель ойида мамлакатимизда энг иссиқ жойлар ҳисобланади. Ўртача ойлик ҳарорат одатда Тошкентда 14, Фарғонада 15, Ашхободда 16 даражага тенг бўлади. Бунчалик иссиқлик Москва ва Ленинград шаҳарларида фақатгина июнь-июль ойларидагина бўлиши мумкин. Ўрта Осиё субтропик иқлимий шароитида одатда апрель ҳақиқий баҳор ойи ҳисобланиб, бу ерларда ўртача ҳар 4—5 кунда бир марта ёмғир ёғиб туради, у ҳам бўлса тезда жалага айланиб кетади. Ўлкамиз шароитида кузатиладиган кўп намгарчилик ва юқори ҳаво ҳарорати кўкатларнинг ям-яшил бўлиб, тез авж олишига ёрдам беради.

Ўлкамизнинг жанубий районларида мартнинг охири ва апрелнинг ўрталаригача одатда бир йиллик ўсимликлар гул либосига бурканади. Апрель ойи ўрталарида дарахтлар қийғос гуллайди. Ўрта Осиёнинг шимолида апрель анча салқин келиши мумкин. Орол денгизининг жанубий қирғоқларида — ўртача ойлик ҳаво ҳарорати бор-йўғи ўн даражага тенг бўлади.

Ҳаво ҳароратининг анча юқори келиши ва намгарчиликнинг етарли бўлиши барча областларимизда чигит, сабзавот-полиз экинлари экишни янада қизғин олиб бориш имконини беради.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

● ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ СИРЛАРИ

Ўрмон ҳукмдори

Амур ўлкасининг Ушаков қишлоғида истиқомат қилувчи А. Никонович айиқ дарёнинг нариги қирғоғига сузиб ўтаётганида балиқ тутиб ўтирарди. Бирдан ҳайвон бўкириб, сувга панжалари билан урар, бир чўкиб, бир шўнғиб турарди.

А. Никонович ўрмон ҳукмдорини ким безовта қилаётганлигига ҳайрон эди. Маймоқ оёқ бир амаллаб қирғоққа чиқиб олганида маълум бўлдики, унинг орқа оёғидан кучли лаққа тишлаб олган экан. Қирғоққа чиқиб олгандан сўнггина айиқ балиқдан қўрқуви ўчини олди.

Айиқлар йўл белгилайди

Арктика инжиқ табиатли. Кечагина Шимолий денгиз бўйлаб транспорт ўтган бўлса, бугун оғир музларда музёрар кема ҳам тиқилиб қолиши мумкин. Шунинг учун доимий ўзгариб турадиган музлик шароитидаги ҳаракат йўли харитаси мунтазам янгиланиб турилади. Уларда авиаразведка маълумотлари ва сунъий йўлдошлардан олинган ахборотлар ёнида оқ айиқларнинг самолётдан кўринган жойлари ҳам белгиланган.

Гап шундаки, қутбликларнинг кузатишларича, «Арктика эгаси» кўпинча ўз йўлини дарз ҳосил бўлган ёш музлар йўналиши бўйлаб белгилайди. У айнан шу ерда кўпинча музда ёриқ ҳосил қилиб нафас олаётган нерпаларни тутиб олади.

● БОҒ-БЎСТОНЛАР ЯРАТАЙЛИК ● ОНА ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО ИНЪОМИ ● ГУЛЛАР МАВСУМИ ● НАБОТОТ ОЛАМИДА ● МИНГ ДАРДГА ДАВО ● МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ.

Оқшом насибаси

ҲАР ОЙНИНГ ЎЗ ТАОМНОМАСИ БОР

АПРЕЛЬ. Фасллар келинчаги баҳор оламни яшнатиб юборди. Далаларда меҳнат симфонияси тобора авж оляпти. Қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда шаҳар ҳовлиларида, кўп қаватли уйлар атрофидаги чорбоғларда одамлар ғимирлаб қолишган.

Баъзи кишилар бу фаслда дармонсизликдан нолиб қолишади. Бунинг сабаби биз қишда серқувват, тўқтутар ёғли таомларни кўпроқ истеъмол қиламиз. Шунинг учун ҳам аъзоларимизда маъдан моддалар кўп бўлгани билан дармондорилар етишмайди. Кунлар исиши билан кўнгил ёғли, гўштли таомларни ҳам унча тусамай қўяди. Бу ҳолатдан қутилиш учун апрель таомномасига мурожаат қиламиз.

КЎК БИЙРОН

Ота-боболаримиз ҳали деҳқончилик касбини ўрганиб олгунларига қадар табиатда нимаки егулик нарса бўлса шуни истеъмол қилишган. Ибтидоий даврдан то ҳанузгача давом этиб келаётган удумга кўра ёввойи ҳолда ўсувчи турли ошкўкларни йиғиб ҳар хил овқатлар тайёрланади. Бу ўсимликлар ерда янги кўкариб чиққан ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, шўра, коврак, исмалоқ, чимчик кўз, тулпой барг, эрман йўнғичқа, момақаймоқ каби ошкўклардан иборатдир. Бу кўкатлар ариқ бўйларида, бедапояларда, қир-адирларда, боғларда ўсади. Териб келиб яхшилаб ювилади ва чопиб қиймаланади, унга бир бош пиёз, кўк пиёз ва саримсоқ кўкидан қўшиб майда тўғралган қўй ёғида жазланади. Нонга қўшиб истеъмол этиладиган ушбу таом кўк бийрон деб аталади. Кўк бийрондан қийма сифатида фойдаланиб кўк чучвара, кўк сомса ва бошқа таомлар тайёрлаш мумкин.

МАСАЛЛИҚ: 1 килограмм ҳар хил кўкатлар, 2 бош пиёз, 1 боғ кўк пиёз, 2 боғ кўк саримсоқ, 250 грамм думба ёки чарви ёғи керак бўлади, туз эса таъбга кўра солинади.

КЎК ЧУЧВАРА

Хамирига тухум чақиб қаттиқроқ қилиб қорасиз, зувала қилиб сочиққа ўраб 10—15 минут тиндирасиз. Сўнгра ўқлов ёрдамида юпқа (1—2 миллиметр) қилиб ёясиз. Ёймани 5х5 сантиметр катталикдаги квадрат жилдларга кесасиз ва ҳар бир жилдга 1 чой қошиғида кўк бийрондан солиб чучвара тугилади ва қайнаб турган шўр сувга солиб пиширилади.

Чучвараннинг пишганлиги сув юзига қалқиб чиққанлигидан билинади. У човлида сузиб лаганга бир қават қилиб солинади. Дастурхонга тортишдан олдин юзига сариёғ, маскаёғ ёки қўл қаймоқ солинади.

МАСАЛЛИҚ: Хамир учун — 500 грамм ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан илиқ сув, 1 чой қошиғида туз; қиймасига: ҳар хил ошкўклардан 1 килограмм, 500 грамм пиёз, 1 боғ кўк пиёз, 2 боғ кўк саримсоқ, 150 — 200 грамм жизза ёки 4 дона пиширилган тухум, 1 чой қошиғида туз ва 1 чой қошиғида мурч солинади.

КЎК СОМСА

Хамиртурушли хамир қорилади, иссиқроқ жойга ўраб кўпчитилади. Оширилган хамирдан ёнғоқдай-ёнғоқдай зувалалар ясалади. Ундан қалинлиги 2—3 миллиметр катталигида пиёланинг оғзидай келадиган жилдчалар тайёрланади. Сўнгра ҳар бир жилдга кўк бийрондан 1 ош қошиғида солиб тўртбурчак, учбурчак ёки тугарак шаклида сомсалар тугилади. Маҳсулотни қиздирилган тандирнинг тагига ёпиб ёки ёғланган духовка патнисига тегиб пиширилади. Қиймасини тайёрлаш «кўк бийрон» рецептида айтилган.

МАСАЛЛИҚ: хамирига — 500 грамм ун, 1 стакан илиқ сув, 20 грамм хамиртуруш, 1 чой қошиғида туз керак бўлади. Қиймасига: ҳар хил кўкўтлардан 1 килограмм, 1 боғ кўк пиёз, 2 боғ кўк саримсоқ, 200 грамм жизза, 1 чой қошиғида туз, 1 чой қошиғида мурч сепилади.

К. МАҲМУДОВ,
пазанда.



«Табиатга қучоқ очаман». Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

● Баҳор неъматлари

ТАБИАТ ИНЪОМИ

Қўзиқорин жуда сервитамин, иштаҳа очадиган, юрак-ўпка фаолиятини мустаҳкамловчи озуқадир. Ундан халқимиз турли-туман таомлар тайёрлайди. Қўзиқориннинг турлари жуда кўп бўлиб, улар ичида истеъмол учун хавфлилари ҳам бўлиши мумкин. Хўш, нима учун унинг номи қўзиқорин деб юритилади. Чунки, унинг усти қоринга ўхшаш ясси бўлиб, қалпоқчаси оқ ёки қўнғир қалин этли, шарсимон, қорамтир бўртма тангачалар билан қопланган бўлади. Майдалигида пушти рангда, катталашгандан сўнг қорамтир рангга киради. Банди калта, эти қалин юқори қисмида гардишсимон ҳалқа ҳосил қилади.

Кейинги пайтларда бундай ҳуштаъм озуқа парникларда етиштирилмоқда. Ўрта Осиёда тўқайларда, боғларда, қирларда ва тоғ зоналарда, кўпинча момақалдироқдан сўнг чиқади. Уларни тергандан кейин қўзиқоринни ажрата оладиган кишилардан сўраб, сўнг истеъмол қилиш керак. Фойдалилари қатори уларга ўхшаш кўринишда бўлган зарарлилари ҳам мавжуд. Улар ҳам тангачали қўзиқоринлар бўлиб, органкалар, липиота деб ҳам аталади. Уларни ажратилмай истеъмол қилиб қўйилса, организм заҳарланади. Бу ҳолда киши қорнида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Кўнгли айнийди, қайт қилиши мумкин. Баданни ҳарорати пасайиб, қон босими ўзгаради, дармон қуриб, бош айланади.

О. КАРИМОВА.

● Коинот—85

Сайёралар сайри

Зуҳра сайёраси 3 апрелгача кечқурун жанубий-ғарбда Балиқлар юлдуз туркумида бўлса, 4 апрелдан сўнг ой охиригача эрталаб жанубий шарқда кўринади. Ўрта кенгликларда яшовчи одамлар (масалан, Шимолий Қозоғистон, Волга дарёси атрофидагилар) ой бошида Зуҳрани иккилама кўринишини кузатишлари мумкин, бу дегани — ҳам кечқурун — қуёш ботганида, ҳам эрталаб — қуёш чиқаётганида. Бу табиатда жуда ноёб учрайдиган ҳодиса сабабчиси — Ер ва Зуҳранинг Қуёш атрофида айланганидаги ўзаро туриши — конфигурациясидир. Апрель ўрталарида Зуҳра юлдузларга нисбатан ҳаракатида «ирмоқ» фигурасини чизади. Сайёралар ҳаракатидаги бундай фигураларни минг йил аввал Осиё олимлари ҳам билишарди.

Марсни кечки пайт жанубий-ғарбда Бузоқ юлдуз туркумида кузатиш мумкин. Юпитер эса эрталабга яқин шарқда, тонг отишига икки соат қолганда чиқади. Кун сари ёруғлиги ошиб бораётган Юпитер 19 апрелда эрталаб соат бешларда шарқда Жадди туркумини тета юлдузи олдидан 6 минут шимолроқдан ўтади ва ундан 230 марта ёруғроқ бўлади. Оддий кўз билан кузатганда Юпитер юлдузни босиб ўтаётгандек туюлади.

Апрель ва май ойларида Сатурнни кузатишга жуда қулай шароит бўлади, чунки кечқурундан эрталабгача кўриниб, худди товус гўзал патларини ёйганидек Сатурн ўз ҳалқаларини ёяди ва унинг атрофида йирик учта йўлдоши кўринади.

Уран Сатурндан ҳам узоқ жойлашган сайёра бўлиб, Тошкент шаҳри чироқлари ёруғлиги сабабли шаҳарда оддий кўз билан кўриб бўлмайди, фақат шаҳардан ташқарида четда кўзга кўринади. Лекин 100 мартадан кучли телескопда Ураннинг дискини кузатиш мумкин. Апрелда Уранни Илонэлтувчи туркумида, туннинг иккинчи ярмида кузатса бўлади.

Метеор оқимлардан 18—24 апрелда, туннинг иккинчи ярмида шарқдан Лира туркумида — Лирид оқимини, 21—30 апрелда жанубда гамма-Акварид, тез учар, узун изли метеор оқимини кузатиш мумкин. Гамма — Акварид оқими эрамизнинг 401 йилида Хитойда биринчи марта кузатилган, 1848 йилда немис олимлари томонидан оқимнинг Галлей кометаси орбитаси билан ўхшашлиги кўрсатилган.

Еримизнинг табиий йўлдоши — Ой 5 апрелда тўлади, 20 апрелда янги ой «туғилади» ва 22 апрелда Марсдан 0,2 градус шимолроқдан ўтади.

Кун сари яқинлашиб келаётган Галлей кометаси ҳозир Юпитер ва Марс орбиталари орасида учиб келяпти. Апрелда фақат кучли телескоплар ёрдамида кузатса бўладиган бу комета октябрь ойларида дурбинда кўринади.

В. УМАРОВ,
астроном.

Маҳаллада нима гап?

ОЛИМЛАР СУҲБАТИ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти профессор ва ўқитувчилари Чилонзор районидаги 1-Қатортол маҳалласи клубида Совет давлати ва КПССнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида савол-жавоб кечаси ўтказишди.

Кечада сўзга чиққан «Билим» жамиятининг аъзоларидан доцентлар К. Қодиров, И Пўлатов, А. Алимов ва Р. Аббосовларнинг суҳбатлари тингловчиларга манзур бўлди.

Институт ўқитувчилари иштирокидаги савол-жавоб кечаси ҳам мароқли ўтди.

У. ОДИЛОВ.

● Келинг, бир кулишайлик

ЧЕТ ЭЛ ХАНДАЛАРИ

ДАМ ОЛИШ СОАТИ

Суҳбат пешинда дам олиш тўғрисида борарди. Суҳбатдошлардан бири:

— Мен ҳар куни соат 3 дан 5 гача дам оламан, — деди керилиб.

Бошқаси ундан сўради:

— Яъни, ухлайсан-да!

— Мен эмас, — дедиу, — бу пайтда хотиним ухлайди.

ИЛОЖ...

Бир ёзувчининг ўғли бир пардали пьеса ёзиб, отасига кўрсатди. Отаси ўқиб:

— Бу жуда ҳам қисқа... ўн минутли ҳам бўлмапти... буни кенгайтириш керак, камида ярим соат бўлсин, — деди.

Бола пьесани олиб ўз хонасига кириб кетди ва бир оздан кейин қайтиб чиқди-да, отасига:

— Бўлди, чўздим, иккала қаҳрамон ҳам ярим соат карта ўйнаб ўтиришади, — деди.

БИЛИМ САВИЯСИ

Ўқитувчи студентга савол берибди:

— Агар маълум миқдордаги тузни шакарга қўшиб, сўнг тузни шакардан ажратадиган бўлсак нима қилиш керак!

Студент жавоб бера бошлабди, ўқитувчи эса нотўғри ишорасини қилиб бошини қимирлатаверибди. Шунда ноқулай аҳволга тушиб қолган студент бундай деб жавоб берибди:

— Чумоли ва асаларилар шакарни ейди, тузнинг ўзи қолади.

Қ. ТОШМЕТОВ ва **Т. НИЁЗОВ**лар тайёрлашган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА САВДО МИНИСТРЛИГИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ЧИҚҚАН ЮТУҚЛАРГА 1985 ЙИЛДА ТЎЛАНАДИГАН ТОВАРЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАДИ:

«Жигули» енгил автомобиллари — ВАЗ-2105, баҳоси — 8.300 сўм, ВАЗ-2106, баҳоси — 9.100 сўм, ВАЗ-2107, баҳоси — 9.900 сўм, ВАЗ-21013, баҳоси — 7.236 сўм;
«Урал» аравачали мотоцикли, баҳоси — 1.745 сўм;
«Рубин Ц-202» рангли телевизорлари —665 сўм;
«Темп-733, 738» рангли телевизорлари — 720 сўм;
«Радуга-719, 734». рангли телевизорлари — 735 сўм;
импорт пианинолар — 1.000 сўм;
«Весна-202, 205» магнитофонлари — 195 сўм;
«Вега-326» — магнитоласи — 250 сўм;
ГДРда ишлаб чиқарилган гиламлар — 420-500 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ ТОШКЕНТ БОШҚАРМАСИНИНГ
ТОШКЕНТ ЁҚИЛҒИ БАЗАСИ
ОМБОРЛАРИДА
АНГРЕН, КУЗБАСС, ҚАРАҒАНДА КЎМИРЛАРИ БИЛАН
ЭРКИН САВДО ҚИЛИНМОҚДА

Ёқилғини уйга марказлашган ҳолда етказиб бериш юзасидан граждандардан якка тартибда ва Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг раҳбарларидан коллектив

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ходимлари шаҳар ташқарисида истиқомат қилиб турувчи ташкилотларнинг раҳбарларидан коллектив буюртмалар юкларни ўзлари ташиб олиш шарти билан 1985 йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига, уйлари газ билан иситилмайдиган шахсий пенсионерлар ва Қаҳрамон оналарга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, шахсий пенсионерларга кўмир ва ўтин социал хат бўйича белгиланган нормага кўра 50 процент арзон нархларда сотилади.

ЁҚИЛҒИ ОМБОРЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1-2-Ипподромний проезди, 58-уй;
2-Уста Ширин кўчаси, 136-уй;
3-Полевой кўчаси, 52-уй;
4-Сергели посёлкасининг Шимолий саноат зонаси, саноат моллари бозори ёнида.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй. Телефонлар: 48-46-81, 48-25-62, 91-39-85.

ТВ

пайшанба

4 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.05 «Ўғлингизга нима қилди?» Ҳужжатли фильм.
18.15 «Стадион ҳамма учун».
18.45 «Миллионлар ленинча университети».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хўтик бахтини қандай излади». Мультфильм.
19.40 Дастлабки авиаконструктор ва учувчилардан бири С. В. Гризодубов ҳақида телефильм премьераси.
20.40 ВЕНГРИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳужжатли экран».
23.05 «Яна сенинг овозингни тинглайман». Музикали кўрсатув.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Братск». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 Классик опереттalardан арияларни РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Кривонос ижро этади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Гипотеза». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Эртак қандай яратилади». Қўғирчоқ фильм.
18.25 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.45 Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига. «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Прелюдия». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
20.05 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Музикали драмалардан ария ва дуэтлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Бой ила хизматчи». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Пианиночилар ва виолончелистлар II республика конкурси лауреатларининг концерти. 2-кўрсатув.
18.50 Реклама.
19.00 Болалар учун. «Киноэртаклар оламига саёҳат».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.00 «Китоб дўстлари» (рус.).

жума

5 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Қалб қўшиққа тўла». Концерт.
10.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, вицеадмирал Г. И. Шчедрин билан учрашуви.
11.25 РСФСР халқ артисти В. Климов чалади (скрипка).
11.50 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телефильмлар.
16.00 «Рустали».
16.30 «Пионерия». Киножурнал.
16.45 «Эфиопия бўйлаб». Киноочерк.
17.05 Халқ куйлари.
17.15 «Подмосковье қишлоғининг бугунги ва эртанги куни».
17.45 В. Моцарт. Торли квинтет (ВХР).
18.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Шушу-знага» (ВХР).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Шаврина ижросида рус халқ қўшиқлари.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 6-фильм — Пўлат плацдарм».
21.30 «Время».
22.05 «Музика ҳақидаги суҳбатни давом эттирамиз».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Тервете сути». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 География. 8-синф. Узоқ Шарқ райони.
10.05, 14.10 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология.
11.35, 12.40 Тарих. 7-синф. Пётр I ва унинг ислоҳотлари.
12.05 «Ёзувчилар В. И. Ленин ҳақида».
13.10 Музика. 7-синф. М. П. Мусоргский.
13.40 «Кукриникслар ижоди». 2-кўрсатув.
14.40 «Ўқитувчига — музика сабоғи». 1-синф. 5-кўрсатув.
15.40 А. П. Чехов. «Чайка».
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тирикларга мактуб».
19.25 «Поэзия». Л. Кондирев.
20.00 Ритмик гимнастика.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Бизнинг кўмакчиларимиз карта ва атласлар». Ҳужжатли фильм.
20.50 Грузия Давлат хизмат кўрсатган академик халқ рақс ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо». (Москва) — «Динамо» (Москва). 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Дорбоз». Телевизион бадиий фильм.
11.30 Рус адабиёти. А. П. Чехов. Ҳаёти саҳифалари (рус.).
12.00 «Севгимиз дарёси». Телефильм.
12.30 Жамиятшунослик. СССРда давлат ва жамоат ташкилотлари ва уларнинг коммунистик жамият қурилишидаги роли.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ўрмон қўриқчилари». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Футбол баҳоси». Футбол бўйича СССР 48-чемпионати 1-лига командалари турнирининг очилишига бағишланади.
19.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Мақомлардан парчалар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Оловли соҳил». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус.).
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Кончилар». Ҳужжатли фильм.
19.10 «Ленинград булбулчалари». Фильм-концерт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 И. Андроников. «Эстрадада илк бор». Бадиий ўқиш.

МОТОЦИКЛ—ЁШЛАР ТРАНСПОРТИ



ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ

МОТОЦИКЛ ПОЙГАСИДА

«ИЖ» ВА «ВОСХОД» МОТОЦИКЛЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

Ана шу ноёб марафон пойгаси тўрт республика йўллари бўйлаб — саккиз шаҳар — Олмаота, Фрунзе, Жамбул, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Мари, Ашхабоддан ўтади.

Мотоцикл пойгасининг мақсади — мамлакатимиз мотоцикл техникасининг пропагандаси, техника билимларини такомиллаштириш ва аҳолини «ИЖМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси мотоциклларии истиқболли янги моделлари билан таништиришдир.

МОТОЦИКЛ ПОЙГАСИДА ҚУЙИДАГИ МОТОЦИКЛЛАР ҚАТНАШАДИ:

«ВОСХОД-3М»
«ВОСХОД-3М ЛЮКС»
«ВОСХОД-3М ТУРИСТ»
«ВОСХОД-3М СПОРТ»
«ИЖ-ЮПИТЕР-4» ВА «4К»
«ИЖ-ПЛАНЕТА-4» ВА «4К»
«ИЖ-ЮПИТЕР-5»
«ИЖ-ЮПИТЕР-5К»

9 АПРЕЛДА МОТОЦИКЛ ПОЙГАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОШКЕНТГА ЕТИБ КЕЛАДИЛАР.

Улар бу ерда шаҳар ва область мотоцикл ҳаваскорлари, савдо ва техника хизмати кўрсатиш ходимлари билан учрашадилар.

10-13 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мотоциклларнинг савдо-кўргазмаси ўтказилади.

РЕКЛАМАЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИНГ!

«ВОСХОД» МОТОЦИКЛИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Бу мотоцикл ҳар қандай йўлларда яхши бурилади,
бошқаришда қулай ва содда,
йўл шароитларини тақозо этмайди.

«ИЖМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «ИЖ» маркали мотоцикллари ана шу фазилатлари билан ажралиб туради. Бу ҳар қандай йўллар бўйлаб сайр этишда муносиб йўлдошдир.

«ИЖ» МАРКАЛИ МОТОЦИКЛЛАР

бу маркали мотоциклларнинг ҳар бир янги модели — мамлакатимиз мототехникасини ривожлантиришда қўйилган қадамдир.

«ИЖ-ЮПИТЕР-5» шу йилнинг бошидан оммавий ишлаб чиқарилмоқда.

Янги моделга такомиллашган двигатель ўрнатилган. Бу двигатель ғоятда тежамкор, тортиш кўрсаткичлари яхшиланган.

Ёқилғини сарфлаши 10 процент камайтирилган. Цилиндрдаги қовурғаси ва головка қулай жойлаштирилиши двигателдан чиқадиган шовқинни камайтириш ва уни совутиб туриш имконини берган.

Айниқса бу Ўрта Осиё ва Қозоғистон, тоғли районлар ва йўлсиз шароитларда ғоятда муҳимдир.

Электр ускуналарига ҳам бироз ўзгартиришлар киритилган — ёниш схемасининг ишончлилиги ортган, ёритиш яхшиланган, двигателни ишга тушириш сифати такомиллашган.

Конструкторлар янги моделни ишлаб чиқиш жараёнида бир йўла ҳар қандай талабга монанд келадиган кажавани ҳам яратишган. Кўтариб очиладиган капотда багажхонанинг қопқоғи бир қатор қулай шароитларни яратган. Бундан ташқари 120 килограммгача юкни кўтариш учун ғилдиракни тезда қайта жиҳозлаш мумкин.

«ВОСХОД» МОТОЦИКЛЛАРИ

Бу маркали мотоциклнинг ҳар бир модификацияси аввалги турдошларидан устунлик билан фарқ қилади, конструктив хусусиятларга эга.

«ВОСХОД-3М ЛЮКС» — ҳайдовчини қаршидан эсаётган шамолдан ва бошқа хавфсизликлардан ҳимоя қилувчи пластмассали ойна билан қопланган. Олдинги вилкаси енгиллаштирилган типда бўлиб хромланган.

«ВОСХОД-3М ТУРИСТ» мотоцикли узоқ туристик сафарга борувчилар учун мўлжалланган бўлиб, у буюмлар учун сиғимдор сумкалар жойлашадиган ён томондаги багажниклар билан жиҳозланган. Орқадаги багажникда эса карталар ва майда эҳтиёт қисмли деталлар жойлашадиган сумка-планшет қўйилади. У бензобакка мустаҳкамланган.

«ВОСХОД-3М» СПОРТ»—мотоцикли спорт билан шуғулланадиганлар учун мўлжалланган. Мотоциклнинг рули спорт типида ишланган, эгари такомиллашган, рессор остига асбобли шиток ўрнатилган. Булар ана шу машинанинг хусусиятларидан далолат беради.

Сиз апрель ойида ўтказиладиган мотоцикл қатнашчилари билан бўладиган учрашувларда «ИЖ» ва «Восход» мотоциклларининг фазилатлари билан янада яқиндан танишасиз, мотоциклларни парвариш қилиш ва ишлатиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган кўпгина саволларга батафсил жавоб оласиз, мамлакатимиз мототехникасининг ривожланиш истиқболи тўғрисида янги маълумотларни билиб оласиз.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗОБУВЬТОРГ»нинг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ

БАҲОРГИ-ЁЗГИ АССОРТИМЕНТДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган пошнали, таглиги полиуретанли, бошлиғи хромдан ишланган хотин-қизларнинг ёзги туфлилари;

Қўқон пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган таглиги енгил ва эластик «парокреп» ғовакли резинадан ишланган, ранти манзарали тикилган, бошлиғи синтетик чармли хотин-қизлар ёзги туфлилари;

Қўқон пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган таглиги енгил ғовакли резинадан ишланган, ранти манзарали тикилган, бошлиғи синтетик чармли эркаклар сандалетлари.

«УЗОБУВЬТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-32-71).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА

5—10 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

« ТОШКЕНТ» ВА СЕРГЕЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН

МЕБЕЛЛАР

САВДО—КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

САВДО—КЎРГАЗМАСИДА ҚУЙИДАГИ МЕБЕЛЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

«УТРО», «ЮБИЛЕЙ» ётоқ мебеллари термаси;
Бир кишилик каравотлар;
Юмшоқ, ярим юмшоқ, эгма стуллар;
Хонтахта;
«Ульбинка» юмшоқ мебеллар термаси;
«САЛЮТ» корпусли мебеллар термаси;
Идиш-товоқлар учун такомиллашган шкафлар;
Диван-каравотлар, тахталар;
Кўйлаклар ва ички кийимлар шкафи;
Ички кийимлар тумбаси.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй (25, 28, 29-трамвайлар; 24, 51, 60, 72, 82, 91, 97 автобусларнинг «Юнусобод колхоз бозори» бекати).

УЙ РЕМОНТИ ОСОН БИТАДИ

СИЗ ХОНАДОНИНГИЗНИ РЕМОНТ ҚИЛИШГА ЖАЗМ ЭТИШДАН ОЛДИН У БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҚАТОР ЮМУШЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ ЯҚҚОЛ ПАЙҚАЙСИЗ: БЎЁҚ, ОҲАК, ЛИНОЛИУМ ВА БОШҚА КЎПЛАБ МАТЕРИАЛЛАР ТОПИБ КЕЛТИРИШ КЕРАК.

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ 1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

Бу бошқарма аҳолининг ва бошқарманинг материаллари ҳисобидан квартиралар ремонтини бажариб беради.

Малакали усталар, дурадгорлик, сантехниклик, бўёқчилик, пардозлаш, паркет ва линолиумларни полга ётқизиш, хоналарга қоғоз ёпиштириш ва оқлаш ишларини тез ва сифатли бажариб беришади.

Сиз бу ерда ойналарга бадиий безак берувчи устахонага ҳам мурожаат этишингиз мумкин. Унинг мутахассислари эшик ойналарига чиройли нақшин гуллар тушириб беришади.

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА:

1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМА — 1-Пушкин проезди, 6-уй. Телефонлар: 33-06-22, 33-10-53;
Чилонзор массиви, 11-квартал, 36-уй, 62-квартира. Телефон 76-14-47;
Чилонзор массиви, 6-квартал, 86-уй, 47-квартира. Телефон 78-29-10;
Сапёрная кўчаси, 56-уй (ойналарни бадиий безаклаш):
Клара Цеткин кўчаси, 45-уй;
Юнусобод массиви, 6-квартал, 14-уй, 1-квартира;
Сергели-2 массиви, 8-уй. Телефон 58-28-33;
Қорақамиш 2/4 массиви, 38-уй, 2-квартира.

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ 1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМА.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/IV да **Шошма қуёш**, 5/IV да **Ўғрини қароқчи урди**, 6/IV да Отелло.

кино

4 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-44), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (10.30, 13.15, 16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).

«МУҲАББАТ ХАСТАЛИГИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.30).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«УНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«СЕН УЧУН ЖАВОБГАРМАН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

«МУВАФФАҚИЯТ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ПЕШҚАДАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР», ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР ЁВВОЙИ ҒАРБДА» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.45; телефон 32-78-02).

5 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-44), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (10.30, 13.15, 16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02), **Ҳамза номли** (10, 13.00, 16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).

«МУҲАББАТ ДАРДИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПЕШҚАДАМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00; телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР», «ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР ЁВВОЙИ ҒАРБДА» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.45; телефон 32-78-02).

Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи правлениеси, «Ўзбекфильм» ва Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиялари коллективлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Назир САФАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Республика Ёш томошабинлар театри коллективи театрнинг Бош администратори Б. К. Комиловга отаси **Коммунар Садриддинович КОМИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ташкилоти, касаба союз ташкилоти, бошланғич таълим методикаси кафедраси коллективи шу кафедра бошлиғи, профессор К. Қосимовага онаси **Эъзозхон АҲМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари, республика дорихоналар системасининг кекса ходими **Сайфулла Абдурасулович АБДУРАЗЗОҚОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—11168.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.